

Ханафий мазхаби бўйича, сўйилган барча хайвонлардан куйидаги нарсаларни емок харомдир, улар куйидагилар:

1. Хайвондан оккан кон.
2. Эркак хайвоннинг закари.
3. Эркак хайвоннинг икки мояги.
4. Ургочи хайвоннинг жинсий аъзоси.
5. Хайвондаги без.
6. Ўт пуфак.
7. Умуртка орасидаги харом магз.

Биринчиси, яъни кон хакида Аллоҳ таъоло“Анъом” сураси 145-ояти каримасида шундай марҳамат килган:

“Менга вахий килинган нарсада таомланувчи учун харом килинган нарсани топмаяпман. Магар ўлимтик ёки оқизилган конёки тўнгиз гўшти бўлса, албатта, у ифлос, харомдир...”

Кўриниб турганидек ояти каримада очи-ойдин уни харом эканлиги баён этилмоқда.

Шунга кўра барча уламолар конни харом эканига ижмоъ килганлар. Уни нафакат истеъмол килиш, балки уни олди-сотди килиш хам харомдир. Жумладан, бугунги кунда кенг таркалган донарлик килиш, яъни пул учун кон топшириш хам шаръян нодуруст ишдир. Уни факат бепул килсагина шариъат рухсат беради.

Колган кисмлари гарчи баъзи фикхий китобларга харом лафзи или келган бўлсада, асли харом бўлмай балки макрухи таҳрими дир. Яъни, харомга якин макрухдир. Чунки коннинг харомлиги борасидаги хукм юкорида айтилганидек Куръони каримдек мутавотир хабар илил сабит бўлган. Колганлари эса, мутавотир бўлмаган набавий суннатда ворид бўлган. Шунинг учун улар макрух дейилган.

Аллоҳ таъоло «Аъроф» сураси 157-оятида Набий соллалоҳу алайхи вассаллам хакларида куйидагича васф килади:

«Улар ўз хузурларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган холида топиладиган, уларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан кайтарадиган, уларга покиза нарсаларни халол килиб, нопок нарсаларни харом киладиган, устиларидағи юкни енгиллатиб, кишанларни ечадиган уммий, Набий, Пайгамбарга эргашадилар....»

Яъни, Аллоҳ таъоло Набий соллалоҳу алайхи вассалламга ўзларича баъзи нарсаларни халол ёки харом килиб берадиган хусусият билан ажратиб кўйганлиги вассфиdir.

Мазкур етти нарса хам нопок нарсалардан бўлганлиги боис бу хакда Куръони каримда хеч нарса дейилмаган бўлсада, Набий соллалоҳу алайхи вассаллам ўзларининг суннати-мutoххараларида баён килиб кетганлар.

Бу хакдаги ривоятларни эса, буюк мухаддис уламоларимиздан имом Абдурраззок ва имом Санъонийлар “Мусоннаф” номли китобларида, имом Байхакий “Сунанул кубро” асарида, имом Суютий “Жомеъус сагир” асарида, имом Тобароний “Муъжамул авсат” асарида, имом Хайсамий “Мажмаъуз завоид” асарида ва аллома Хиндий “Канзул уммол” асарларида сахобалардан Абдуллоҳ Ибн Аббос хамда Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумо ва тобеъинлардан Мужоҳид розияллоҳу анхудан ривоят килганлар.

Хадис илми нуктаси назаридан бу ривоятларнинг хар бири алоҳида ўрганилганда гарчи заиф хукмини олсада, йўллари кўпайиши сабабли хужжат килишга ярайдиган даражада кучи етарли бўлади. Шунга кўра ханафий мазхаби уламолари бу хадислардан хукм истинбот килиб фатво берганлар. Аллоҳ уларнинг барчаларидан рози бўлсин!

Куйида шу ривоятлардан бирини арабий матнини ўзини келтирамиз:

)167 /2(ﻷٰهٰ ﺔِهَرَى ﺔِهَرَى ﺔِهَرَى ﺔِهَرَى ﺔِهَرَى ﺔِهَرَى

۲۰۱۹ -
۲۰۱۹ -
۲۰۱۹ :۲۰۱۹ -
۲۰۱۹ -
۲۰۱۹ -
۲۰۱۹ .

Зуфаржон Шосалимов тайёрлади